



Ro'yxatdan o'tkazildi  
Ro'yxat raqami: 1-7  
Sana: "20" февраль 2023 yil  
Imzo: Муртазаев

“Smart bank” акциядорлик жамияти  
Кузатув кенгашининг  
2023 йил “6” февраль даги  
06-02-/- сонли йиғилиш баённомасига  
12-илова

“SMART BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
ХОДИМЛАРИНИНГ ОДОБ-АҲЛОҚ  
ҚОИДАЛАРИ

Мазкур “Smart bank” акциядорлик жамияти ходимларининг одоб-аҳлоқ қоидалари” (кейинги ўринларда Одоб-аҳлоқ қоидалари деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ҳамда “Smart bank” акциядорлик жамияти Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Одоб-аҳлоқ қоидалари “Smart bank” акциядорлик жамияти (бундан бўён матнда Банк деб юритилади) ходимларининг касбий одоб-аҳлоқининг умумий тамойилларини ва ўз хизмат вазифасини бажаришдаги хулқ-атворининг асосий қоидаларини белгилаб беради.

2. Одоб-аҳлоқ қоидалари ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, ходимларни юксак ҳукукий онг, амалдаги қонун ҳужжатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга ҳамда Банкнинг корпоратив маданиятини шакллантиришга, Банк имиджи ва обрўсини сақлаш ва юксалтиришга йўналтирилган.

3. Мазкур Одоб-аҳлоқ қоидалари Банк миссияси ва корпоратив қадриятларини мустаҳкамлашни, Банк ходимларининг Банк мижозлари, контрагентлари, акциядор ва ҳамкаслари олдидаша шахсий масъулиятларини ва ролларини англашини таъминлашни ўз олдига вазифа қилиб олган.

4. Банкка ишга қабул қилинадиган барча шахслар мазкур Одоб-аҳлоқ қоидалари билан таништирилади ва ушбу Одоб-аҳлоқ қоидалари талабларига риоя этишлари шарт.

Банк ходимлари ўз фаолиятини одоб-аҳлоқ нормалари асосида олиб бориши ҳамда масъулиятни хис қилган ҳолда жонкуярлик ва содиқликни намоён қилган ҳолда амалга оширишлари лозим.

5. Ушбу Одоб-аҳлоқ қоидаларида белгиланган талаб ва қоидалар Банкнинг бошқарув органлари аъзолари ва эгаллаб турган лавозимлари даражасидан қатъий назар Банкнинг барча ходимлари учун мажбурий хисобланади. Шунингдек, Банк билан фуқаролик-хукукий шартномалар асосида ҳамкорлик қиласиган жисмоний шахсларга ҳам қўлланилади.

Одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя этиш Банк ходимларининг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири хисобланади.

## 2-боб. Асосий тамойиллар, банк миссияси ва қадриятлари

6. Банк ходимлари ўз касбий фаолиятини қуидаги тамойиллар асосида амалга оширишлари керак:

SMART BANK	<p>Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: 1-7 Sana: "20" fevral 2023 yil Imzo: </p>
------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш;  
адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;  
очиқлик ва шаффофлик;  
ватанпарварлик, фидоййлик ва содиқлик;  
фуқаролар ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг  
устуворлиги;  
манфаатлар тўқнашувига ҳамда коррупцияга йўл қўймаслик;  
Банк имиджи ва обрўсими сақлаш ва юксалтириш;  
шахсий масъулият ва жавобгарлилик.

7. Банкнинг миссияси мижозларнинг маблағлари учун очиқ ва қулай  
рақамли платформани яратиш. Мижозларга исталган вақтда дунёниг  
исталган нуқтасида сифатли банк хизматларини кўрсатилишига замин  
яратиш.

Банк ва молиявий хизматлар кўрсатиш соҳасида пешқадам бўлишга,  
фаолият юритиш услубини замонавийлаштириш (такомиллаштириш)га,  
яқдил профессионал жамояни шакллантиришга интилиш орқали манфаатдор  
бўлиш.

8. Банк бизнес юритишида ижтимоий масъулият тамойилларига амал  
қиласди ва ўз фаолиятини самарадорлик ва бизнес сифатининг халқаро  
стандартларига мувофиқлигини таъминлайди.

9. Банкнинг ўз фаолиятида амал қиласдиган қиласдиган асосий  
қадриятлар:

мижозлар, контрагентлар ва жамоат ишончи;  
сифатли молиявий хизматлар кўрсатиш орқали ўз мавқеига эга бўлиш;  
профессионал ва яқдил жамоа;  
очиқлик;  
янгилик;  
тезкорлик.


### **З-боб. Банк ходимларининг ўзини тутиш қоидалари**

10. Банк ходимлари ўз хизмат фаолияти жараёнида қуйидаги қоидаларга  
риоя қилиши лозим:

ўз хизмат вазифаларини вижданан, юксак касбий даражада бажариш;  
юқори мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган  
қарорларини (топшириқларини) ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ўз фаолиятини амалдаги қонун хужжатлари ва Банкнинг ички меъёрий  
ва бошқа хужжатлари доирасида ҳамда лавозим йўриқномалари доирасида  
амалга ошириш;

ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гурухлар ёки  
ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан



мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

ўз хизмат вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкий ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлик бўлган хатти-ҳаракатларга барҳам бериш;

мижознинг, контрагентнинг, фуқаронинг мулоқот даражаси, тури ва услубидан қатъи назар хушмуомала, дўстона, ҳозиржавоб бўлиши керак ҳамда унга нисбатан нотўгри алоқа қилиш фактларига сабрли бўлиши керак.

ўз хизмат фаолиятига бирор-бир таъсир кўрсатиш имкониятига барҳам бериш;

халқларнинг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гурухлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоий барқарорликка, миллатлароро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашиш;

ўзларининг хизмат вазифаларини вижданан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган ҳулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек, ўз обрўсига ёки Банкнинг нуфузига зарар етказишга олиб келувчи вазиятларга йўл қўймаслик;

хизмат мавқеидан Банк, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик;

Банкда хабарларни ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш.

11. Сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, шунингдек, шахсий важлар ва бошқа субъектив сабаблар Банк ходимларининг ушбу қоидаларни бузиш учун асос була олмайди.

12. Банк ходимлари ўз раҳбарини ёки коррупцияга қарши қурашишга маъсул бўлган таркибий тузилмани (ёки тузилма раҳбарини) ёхуд тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини уларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор-бир шахс/шахсларнинг қилган мурожаатларининг барча ҳолатлари шунингдек, Банкнинг бошқа ходимлари томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари ҳақида хабардор қилиши шарт.

13. Банк раҳбари Банк ходимларининг қонунчилик талабларининг бузилиш фактлари тўғрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун улар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишига ёки бошқача шаклда таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини таъминлаши керак.

14. Банк ходимлари касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотнинг сакланишини ва маҳфийлигини таъминлаш юзасидан барча

SMART BANK	<p><b>Ro'yxatdan o'tkazildi</b> <b>Ro'yxat raqami:</b> <u>1-7</u> <b>Sana:</b> <u>"20" февраль 2013 yil</u> <b>Imzo:</b> <u>Муродов</u></p>
------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

чораларни кўришлари шарт, уларнинг ошкор этилганлиги учун улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

15. Банкнинг мансабдор шахслари ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнак бўлиши, ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасига кирмайдиган топшириқларни бажарилишини талаб қиласлиги, шунингдек, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги керак.

Банкнинг мансабдор шахслари кадрларни қариндошлиқ, гурухбозлик, маҳалийчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак, шунингдек, ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатый равища олдини олиши лозим.

Банкнинг мансабдор шахслари:

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни бошқариш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши;

коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши;

ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт.

Банкнинг мансабдор шахслари ўзига бўйсунувчи ходимларнинг хизматдаги ҳулқ-атвори тамойиллари ва қоидаларини бузатган хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўйилмаслик чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради.


16. Банк ходимлари ўзларининг хизматдаги ҳулқ-атвори билан жамоада бошқа ходимлар билан ўзаро ишчанлик ва амалий ҳамкорликда ишлашлари лозим.

Банк ходимлари хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, мижозлар ва ҳамкаслари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шарт.

Ўзига бўйсунувчиларга ва мижозларга нисбатан қўполлик қиласлиги, шаъни ва қадр-қимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиши ҳолатларига йўл қўймаслиги лозим.

Ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида иш шароитлари ва хизмат тадбирларининг шаклига боғлиқ ҳолда ходимларнинг ташқи кўриниши фуқароларнинг Банкка нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши, расмийлиги, вазминлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туриши керак.

17. Банк ходимлари хизматдан ташқари вақтда умумий қабул қилинган одоб-аҳлок меъёрларига риоя этишлари, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги керак.



## **4-боб. Коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик**

18. Банк ходимлари коррупцияни ҳар қандай шакли ва кўринишига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши ҳамда хизмат мавқеидан шахсий ёки учинчи шахслар манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши (ҳаракатсизлиги) қатъий тақиқланади.

Банк ходимлари коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишга фаол кўмаклашиши, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ коррупцияга қарши курашиш доир қоидаларда талаб этилган ахборот ва маълумотларни тақдим этишлари шарт.

19. Банк ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.

Банк ходимларининг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек, уларга яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, Банк ходимлари ўз раҳбарини ёки коррупцияга қарши курашишга маъсул бўлган таркибий тузилмани (ёки тузилма раҳбарини) дархол хабардор қилиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги маълумотни олган раҳбар бу тўқнашувни олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт.


Банк ходимлари ўз хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришларида Банкка заарар етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатни амалга оширмаслиги керак.

Банк ходимлари ўз раҳбарини ҳамда коррупцияга қарши курашишга маъсул бўлган таркибий тузилмани (ёки тузилма раҳбарини) манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриш мақсадида юридик шахсларнинг устав капиталида иштирок этиши тўғрисида хабардор қилиши шарт.

20. Банк ходими лавозимга тайинланаётганда ва хизмат вазифаларини бажараётганда ўзининг хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлиги мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши имконияти тўғрисида маълум килиши шарт.

## **5-боб. Банк ходимларининг ташқи кўринишига қўйиладиган талаблар**

21. Банк ходими Банк имиджига мос келадиган ишбилармонлик



кйиниши одобига риоя қилиши шарт. Ходимнинг ташки кўриниши кишининг ғашига тегадиган ёки бепарво бўлмаслиги керак. Ходимнинг ишбилармонлик кийиниши одобига риоя қилмаслиги меҳнат интизомининг бузилиши ҳисобланади ва интизомий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин.

## 6-боб. Якуний қоидалар

22. Банк ўз ходимларининг хизмат вазифаларини бажариш билан боғлик таҳдид, ҳақорат, тухмат ва қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилишга масъул ҳисобланади.

23. Банк ходимлари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатилишни молиялаштиришга қарши курашишда фаол иштирок этади.


24. Мазкур Одоб-аҳлоқ қоидалари талабларини бузган Банк ходимлари ва шахслар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

25. Мазкур Одоб-аҳлоқ қоидаларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Банк Кузатув кенгashi томонидан тасдиқланади.

26. Мазкур Одоб-аҳлоқ қоидалари билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

27. Ушбу ҳужжат билан Банкнинг масъул раҳбар ва ходимлари томонидан танишиб чикиш мақсадида белгиланган тартибда бошка тилларга хам таржима килиниши мумкин.

28. Ушбу Одоб-аҳлоқ қоидаларининг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ёки Банк Уставига зид бўлса, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ва ушбу бандларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг қонунчик ҳужжатлари нормаларига ва Банк Уставига амал қилинади.



# ЮРИДИК ХУЛОСА

\*\*\*\*\*

(норматив-хуқуқий хужжатни хуқуқий экспертизадан  
ўтказиш тўғрисида)

Экспертиза ўтказувчи	Юридик департаменти
Экспертизадан ўтказилган меъёрий хужжат номи	“Smart bank” акциядорлик жамияти ходимларининг одоб-аҳлоқ қоидалари.
Экспертиза ўтказишида фойдаланилган қонунчилик ва меъёрий хужжатлар	“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунларига банкнинг Устави ва ички меъёрий хужжатлар.

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги  
қонунлари, Марказий банкнинг меъёрий хужжатлари ҳамда банкнинг  
Устави талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, банк тизимида  
банк ходимларининг касбий одоб-аҳлоқ қоидалари асосий  
принциплари, банк миссияси ва қадриятлари, ўзини тутиш қоидалари,  
коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл  
қўймаслик, ходимларнинг ташки қўринишига қўйиладиган талаблар  
каби масалаларни тартибга солишга қаратилган.

Ушбу Қоидаларни ишлаб чиқишида қонунчилик техникаси  
қоидаларига риоя қилинган.

Хукуқшунос

М.Ғуломжонова

